



## **ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI FAVQULODDA VAZIYATLAR VAZIRINING BUYRUG‘I**

315 -son

20 21-yil “30” oktyabr

Toshkent shahri

### **Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича Сиёсатини ҳамда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Услугиётини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни талаблари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон, “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сон Фармонлари ижросини сифатли таъминлаш, вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш ҳамда олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш мақсадида,

#### **БУЮРАМАН:**

##### **1. Куйидагилар:**

Ўзбекистон Республикаси Фавқулудда вазиятлар вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича Сиёсати 1-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулудда вазиятлар вазирлиги, ҳудудий бошқармалар ва таркибий тузилмаларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Услугиёти 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлик Марказий аппарати, ҳудудий бошқармалар (уларнинг туман ва шаҳар бўлимлари) ҳамда таркибий тузилмаларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссиялари томонидан куйидагилар доимий равишда амалга оширилсин:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва коррупцияга қарши курашишга доир ички ҳужжатлар талабларини ўрганиш ва уларга риоя этиш;

вазирлик тизимида коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш ва коррупцияга барҳам бериш;

вазирлик тизимида барча фаолият соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

шахсий таркибнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;